

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 5 июль, пайшанба

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 128 (10.937)

Баҳоси эркин нарҳда

## ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 4 ИЮЛЬ КУНИ  
ОҚСАРОЙДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ  
СЕРГЕЙ ИВАНОВНИ КАБУЛ ҚИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари — Ислам Каримов ва Владимир Путин 2004 йилда Стратегик шериклик, 2005 йилда эса Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Бу ҳужжатлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун мустақам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Бугун Ўзбекистон — Россия муносабатлари барча соҳаларда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Экспорт ва импортнинг таркиби кенгайиб, салмоғи ортиб бормоқда. Утган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олди. Бу 2005 йил кўрсаткичидан 3 қарра кўп демекдир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосан машинасозлик, ёғочни қайта ишлаш, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, электротехника ва фармацевтика каби соҳаларда жадал ривожланмоқда. Нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия ҳам устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастурий таъминот, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқима-чилик, сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларнинг истиқболи порлоқ.

Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик кенгаймоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида тўрт юз эллиқдан зиёд, Россияда Ўзбекистон сармояси билан уч юзга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳўжжат ҳам амалда. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичи-

га олади.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон ва Россия Президентлари кейинги даврда икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик фаоллашиб бораётгани муносабати билан ҳамда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳўкуматлараро қўшма комиссиясининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу органнинг мақомини кўтаришга келишиб олдилар. МДХнинг яқинда Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммити чоғида Владимир Путин мазкур қўшма комиссияга Россия Федерацияси томонидан ҳўкумат раисининг биринчи ўринбосари С.Иванов ҳамраис бўлишини маълум қилди.

— Президент Владимир Путиннинг ушбу қарори Россиянинг Ўзбекистон билан муносабатларга муҳим аҳамият бериб, ўзаро ҳамкорлик суръатини янада оширишга интилаётганидан далолатдир, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон — Россия муносабатлари жадал ривожланмоқда, алоқалар ўзаро ишончга асосланган, ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Сиз раҳбарлик қилаётган делегациянинг таркиби ҳам Россияда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга иштиёқ қўли эканлигини кўрсатади. Тошкентда ўтадиган музокаралар самарадор натижалар билан яқунланишига ишонамиз.

С.Иванов Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан деб билишини, таширфдан қўзланган асосий мақсад ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқшдан иборат эканлигини таъкидлади. Хусусан, юқори технологиялар соҳасида илмий-амалий ҳамкорлики янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

СЕРГЕЙ ИВАНОВ:

## ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ — РИВОЖЛАНГАН ВА БАРҚАРОР

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ СЕРГЕЙ  
ИВАНОВ 4 ИЮЛЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Икки мамлакат ҳўкуматларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Ўзбекистон ва Россиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, энергетика, нефть-газ, транспорт коммуникациялари, мебелсозлик, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари — Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, хусусан, ёғилги-энергетика маҳмуи ва авиасаноат соҳасида узок муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ёғилги-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш, геология-разведка, конларни аниқлаш ва ўзлаштириш, энергия манбаларини ташкил каби тадбирларни кўзда тутди. Авиасозлик соҳасида эса икки мамлакат ҳамкорликда самолёт ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шугулланган.

Музокараларда коинот тадқиқотлари, атом энергетикаси, банк-молия, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Россия Федерацияси ҳуку-

мати раисининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан эканини алоҳида таъкидлаб, Россия мамлакатимиз билан савдо-сотиқ ҳажмини янада оширишдан манфаатдор эканлигини қайд этди. Унинг таъкидлашича, Россия Ўзбекистон иқтисодиётига киритаётган сармоя ҳажмини янада кўпайтириш ниятида.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қарийб барча йўналишларда, жумладан, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика ва электротехника каби соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ёғилги-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам тобора кенгаймоқда.

2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич сезиларли даражада кўтарилиши кутилмоқда. Ўзбекистондан Россияга хомашё ва ярим хомашё маҳсулотлар қаторида асбоб-ускуна, транспорт воситалари ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади. Россиядан Ўзбекистонга транспорт воситалари, металлни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотлари импорт қилинади.

Учрашувда, шунингдек, му-

дофаа ва хавфсизлик, миграция соҳаларидаги ҳамкорликка доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.


Музокаралар якунида икки мамлакат ҳўкуматлари ўртасида Ўзбекистонда Россия ва Россияда Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат фаолияти ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, ноқонуний миграцияга қарши кураш борасида ҳамкорлик ҳақидаги, реадмиссия тўғрисидаги битимлар, шунингдек, Иордания бюртмаси бўйича Ил-76МФ русумли самолётларни етказиб беришга оид шартнома имзоланди.

С.Иванов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда таширф доирасидаги музокаралар самарали кечганини, имзоланган ҳўжжатлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

— Музокараларимиз натижаларидан мамнунмиз, — деди Россия Федерацияси ҳўкумати раисининг биринчи ўринбосари. — Ўзбекистон бозорини яхши ривожланган ва барқарор бозор сифатида эътироф этамиз. Сўнгги ойларида мамлакатларимиз ўртада ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 46,9 фоиз ўсди. Бу яхши кўрсаткич, албатта, лекин ҳали мамлакатларимиз салоҳияти тўла ишга солинган йўл. Тошкентда ўтган музокаралар асносида Ўзбекистонга қўшимча сармоя киритиш борасида келишиб олинган.

Нодира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА мухбири

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни Янгиликлар, воқеалар



ЮРТИМИЗДА  
БҲНЁДКОРЛИК  
КўЛАМИ ЙИЛДАН  
ЙИЛГА ОРТИБ, МАҲОБАТЛИ ИНШОТЛАР, КўРКАМ БИНОЛАР  
ҚАД РОСТАЛЁТГАН БУГУНГИ КУНДА СИФАТЛИ ВА  
РАҚОБАТБАРДОШ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИГА ТАЛАБ КАТТА.

Иқтисодиёт

## СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТИ

Айниқса, ана шундай қурилиш ашёларининг ўзимизда тадбиркорларимизнинг изланишлари асосида ишлаб чиқарилаётгани ва бемалол четдан келтирилмаган маҳсулот ўрнини босиши қурилиш майдонларида меҳнат қилаётган бунёдкорларга, уй-жой қураётган юртдошларимизга кўл келмоқда.

Бектемир туманида фаолият юритаётган корхоналар орасида «Супер Ховус Руф» корхонасининг ўзига хос ўрни бўлиб, унинг цехларида тайёрланаётган зарур қурилиш ашёси — шифер маҳсулотлари сифати билан ажралиб туради.

— Албатта, ишлатилган қурилиш ашёсининг сифати қад ростлаган ҳар қандай иншоот мустаҳкамлигига қўшилиган ҳисса бўлади, — дейди корхона раҳбари Алишер Алиев. — Шу боис ҳам таъмири ёпишда ниҳоятда асқотадиган шиферларимизнинг сифати ва чидамлилигига катта эътибор қаратамиз. Бугунги кунда маҳсулотларимизга бюртмалар ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам юрти-мизда тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойда-

ланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ниятидамиз. Бу билан иқтисодиётимиз ривожига, шунинг баробарида бунёдкорлик кўлами ортишига муҳим ҳисса қўшамиз.

Айни пайтда 70 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу жамоада ойига 50-60 минг дона шифер тайёрланиб, бюртмачиларга етказиб берилмоқда. Тадбиркорлар истеъмолчилар талабини эътиборга олган ҳолда энг азиз ва энг улўф байрам — Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйига муносиб совға ҳозирлаш ниятида цехларни кенгайтиришни режалаштиришмоқда. Шунингдек, янги ишчи ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган. Энг муҳими эса улар эл-юрт ободлиги ва кўркамлиги йўлида қилаётган меҳнатларидан мамнун.

Дилфуза ГАНИЕВА  
СУРАТЛАРДА: корхонанинг тадбиркор раҳбари Алишер Алиев ва цех бошлиғи Каюм Ибрагимов тайёрланаётган маҳсулот сифати-га ҳамиша эътибор қаратишди; Ҳасан Эрматов корхона илғорларидан ҳисобланади.

Козим Ўлмасов олган суратлар

## Қасқа сатрларда

● **БҲГҲН** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалласида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида уюштирилган «Кувноқ стартлар» спорт мусобақаларида ўсмир ёшлар беллашди.

● **КЕЧА** Яқкасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ходимлари иштирокида Тошкент шаҳар Фавкулдод вазиятлар божқармаси ташаббуси билан «Фавкулдодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш» дастури бўйича ўтказилган ўқув машғулотли зилзила содир бўлганда азият чекканларга биринчи тиббий

ёрдан кўрсатиш масаласига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Банклар ассоциациясида уюштирилган тадбирда Тошкент Банк коллежи битирувчиларига дипломлар топширилди.

● **КЕЧА** Тошкент аэропортида у-шу бўйича Таиланд мамлакатига ўтказилган Осиё чемпионатида муносиб иштирок этиб шахримизга ёруғ ўз билан қайтган спортчиларни қутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

● **БҲГҲН** Тошкент Давлат шарқшунослик институтида олимлар иштирокида икки кундан бери давом этаётган «Марказий Осиёда

корейшунослик: ютуқ ва муаммолар» мавзудаги илмий-амалий анжуман ниҳоясига етди.


● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Давлат тест марказида жорий йилги ўқув мавсумига тайёргарлик қўриш ва тест синовларини муваффақиятли ўтказиш мақсадида бағишлаб ўтказилган семинарда олий ўқув юртларининг ўқитувчилари иштирок этишди.

● **КИЧИК** бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Акциядорлик тижорат «Турон» банки ташаббуси билан Мировод туман бўлимида махсус касса ва минибанк ташкил этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон ҳаво йўллари** миллий авиакомпанияси ўтган куни Тошкент — Қоҳира йўналиши бўйича янги халқаро қатновни бошлади. 5,5 соатлик парвоздан сўнг миллий авиакомпаниямизнинг «А-310» самолёти Қоҳира халқаро аэропортига қўнди. Янги қатнов очилиши тақдиротида ҳозир бўлганлар ушбу йўналишнинг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлашди.

● Тошкент туманидаги «Ҳасанбой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Ҳасанбой-Муровват-Текс» трикотаж фабрикаси, шифона, маҳалла фуқаролар йиғини ва милиция таянч пункти биноси фойдаланишга топширилди. Бу ердаги қурилиш-таъмирлаш ишларини тез ва сифатли бажаришда «Нефтьгаз-монтаж» қўшма корхонаси бунёдкорларининг ҳиссаси катта бўлди.

● Марғилон шаҳри «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган танловнинг иккинчи босқичида «Энг яхши шаҳар» номини олиб, голибликни қўлга киритди. Голиб шаҳарга «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг махсус дипломи ва автотранспорт топширилди.

● Тошкентдан Хоразм вилоятига «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг «Саломатлик поезда» йўл олди. Вагонлардан катталар учун кийим-кечак, болалар пойабзаллари, ўрин-кўрпалар, санитария-гигиена воситалари ўрин олган бўлиб, инсонпарварлик юки ёлғиз, кекса фуқаролар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган, кўп болали оилаларга топширилади.

● Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида «Менежмент асослари ва лойиҳаларни бошқариш» мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди.

● Марғилон шаҳридаги барча 54 та маҳалла фуқаролар йиғинлари «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг совғаси сифатида сўнгги русумдаги компьютер тўплаларини олишди. Эндиликда ҳар бир йиғин Интернетда ўз сайтига эга бўлиб, ходимлар республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда бошқа вилоятлардаги ҳамкасблари билан бемалол мулоқотда бўлишлари мумкин.

● «Қамолот» ЁИХ Жиззах вилоят бўлимида Жиззах Давлат педагогика институти ҳамда политехника институтининг энг илғор талабаларидан иборат «Бунёдкор — 2007» меҳнат отрядлари ташкил этилди.

● Ғаллаорол туманидаги «Бахт» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида Ёшлар маркази ўз фаолиятини бошлади. Марказ «Қамолот» ЁИХ туман бўлими ташаббуси билан ташкил этилиб, 5та замонавий компьютер, 4 та тикув машинаси, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

● Урганч шаҳридаги Амир Темур номли маданият ва истироҳат боғида жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида уюштирилаётган «Мафтункор ранглар дунёси» кўрик-танловининг Хоразм вилоят босқичи бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Халқаро Олимпия Қўмитасининг Гватемалада бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида қўмита президенти Жак Рогге 2014 йилда бўлиб ўтадиган XXII қишки Олимпиада ўйинларига Россиянинг Сочи шаҳри мезбонлик қилишини тантанали равишда эълон қилди. Шу муносабат билан Сочидаги марказий майдонда халқ сайиллари бўлиб ўтди.

● Расмий Сеул Шимолий Кореяга 10 минг тонна ёниги жўнатишга тайёр эканлигини билдирди. Бунинг учун Корея Халқ Демократик Республикаси Йонмендаги ядро қуроли ишлаб чиқаришга мўлжалланган атом реакторини тўхтатиши керак.

● Японияда баҳс ва тортишувларга сабаб бўлаётган чегарадаги ҳудудлар масаласи бўйича ҳамда денгиз сиёсати билан шугулланувчи махсус вазирлик ташкил этилди. Унга Тацуо Фуюцуба раҳбар этиб тайинланди. Фуюцуба, шунингдек, қуруқликдаги ҳудудлар, транспорт ва инфратузилма вазирлигини ҳам бошқаради.

● Покистон ҳўкумати мамлакатда, жумладан пойтахт Исломободда назоратни кучайтирди. Зеро, шаҳарда радикал кайфиятдаги талабалар ва хавфсизлик қўчлари ўртасида рўй берган тўқнашув оқибатида 16 киши ҳаётдан кўз юмди, 150 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Жангари талабалар ҳозирда аста-секин таслим бўлмоқда.

● Литва парламенти 2008 йилни ичкиликсиз ҳушёр юриш йили, деб эълон қилди. Депутатлар республика ҳўкуматида келгуси йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни молиялаш мажбуриятини юкледи.

● Хиндистон ва Буюк Британия ҳарбий ҳаво қўчлари тарихда илк бор ҳамкорликда ўқув машқларини ўтказди. Машқларда Хиндистоннинг олти Су-30 МКИ қирувчи самолёти қатнашди.

● Афғонистоннинг Қандаҳор музофотида патруль машинасининг портлатиб юборилиши оқибатида 6 нафар канадалик ҳарбий ҳаётдан кўз юмди. Ушбу қўпуровчилик ҳаракатини Толибон гуруҳи ўз бўйнига олди.



# ШАҲАР ХҲЖАЛИГИ: ИСТИҚБОЛ ВА РЕЖАЛАР

Тараддуд

## ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

**ҲАР БИР СОҲАДА ЭРТА БОШЛАНГАН ҲАРАКАТ, АЛБАТТА ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ. ШУ БОИС ҲАМ ПОЙТАХТИМИЗДА ШАҲАР ХҲЖАЛИГИНИ КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРЛАШ, ЎТГАН МАВСУМДАГИ НОСОЗЛИК ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИШЛАРИ ЭРТА БАҲОРДАН БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ. АЙНИ ЁЗНИНГ ИССИҚ ВА ҒАНИМАТ КУНЛАРИДА АНА ШУ РЕЖА АСОСИДАГИ ИШЛАР ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРГАН.**

—Шаҳримиз иқтисодиёти тармоқлари ва уй-жой фондини 2007-2008 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳақида тўхталар эканмиз, аввало Республика Президентининг 2007 йил 2 майдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2007-2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори бажарилишини таъминлаш ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш мақсадида шаҳар ҳокимининг 2007 йил 8 майдаги 372-сонли қарори ижроси жамоамиз ходимлари учун асосий дастуруламал бўлганини айтишим лозим, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий-коммунал фойдаланиш бirlашмаси бош директори Бахтиёр Раҳмонов. — Ушбу қарор асосида шаҳар иқтисодиёти тармоқларини 2007-2008 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар дастури тасдиқланди, тармоқларнинг қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича шаҳар доимий иш юритувчи комиссияси ташкил қилинди. Шунингдек, Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси ва шаҳар моддий-техника таъминоти бошқармасига қарорда белгиланган чора-тадбирларга асосан уй-жой коммунал мажмуасини етарли даражада молиявий ва моддий техника ресурслари билан таъминлаш юклатилди.

Шаҳар ҳудудий-коммунал фойдаланиш бirlашмаси тасарруфидagi ҳар бир корхона, ташкилотлар бўйича 2007-2008 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик давомида бажарилиши лозим бўлган ишлар бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, мазкур режа асосидаги вазифалар амалга оширилмоқда.

Доимий иш юритувчи комиссия кузги-қиш мавсуми тайёргарлик кўриш ишлари бўйича шаҳарга

масъул раҳбар шахслар (мажмуалар бўйича) иштирокида ҳар hafta ишларнинг аҳолини таҳлил қилиб белгиланган режаларнинг бажарилишини таъминлаш чораларини кўрмоқда.

Уй-жой фонди бўйича тўхталадиган бўлсак, 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уй-жойларнинг муҳандислик тармоқларини мукамал таъмирлаш бўйича йиллик режага кўра 424 та уйнинг муҳандислик тизимлари мукамал таъмирланиши лозим. 2007 йил 1- ярим йилликда 220 та уйда ишлар тугатилди, 204 та уйда эса таъмирлаш ишлари олиб бoрилаяпти ва уларнинг якунланиши 15 августга режалаштирилган.

Жорий йилда 254 та уйнинг юмшоқ ва шиферли томларини капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, бугунгача 60 та уйнинг томлари капитал таъмирдан чиқди. 2007 йил 1 май ҳолатига аниқланган чакка ўтадиган жорий таъмирланиш лозим бўлган 626536 м<sup>2</sup> юмшоқ том ва 53589 м<sup>2</sup> шиферли томларнинг таъмирланиши режалаштирилган. Бугунгача 164133 м<sup>2</sup> юмшоқ ва 8829 м<sup>2</sup> шифер томлар жорий таъмирдан чиқди, 63265 м<sup>2</sup> томлар эса капитал таъмирланди. Бу ишда сусткашлиқни тугатиш чоралари кўрилаяпти. Хусусан, томларни ўз вақтида кечиктирмасдан таъмирлаш учун узлуқсиз равишда керакли материаллар билан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини таъминлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, бirlашма марказий диспетчерлик хизматига аҳолидан томлардан чакка ўтиш тўғрисидаги шикоятлар кундалик назоратда олиниб, уларни тезда таъмирлаш учун материаллар билан таъминлаш тизими йўлга қўйилди. Манзилларга чиқиб етказиб берилган материаллар ширкатлар томонидан мақсадли ишлатилиши мониторинги олиб

бориляпти. Чакка ўтадиган томларни капитал ва жорий таъмирлаш ишларини режада белгиланган муддатларда тугатиш бўйича барча чоралар кўриляпти, бу албатта шикоятлар камайишида сифатли хизматда ўз аксини топади.

Уй-жой фондини кузги-қишқи мавсумга тайёрлашда уй йўлаклариди ёриткичларни тиклаган ҳолда йўлакларни таъмирлаш, ёғоч эшикларни темир эшиклар билан алмаштириш, ёриткичларни алмаштирган ҳолда уй ертўлаларини тозалаш ва бошқалар бўйича режа асосида иш олиб бoрилмоқда ва бу ишларнинг 2007 йил 1 августигача тугалланиши белгиланган. Бугунгача 416 та уй фасадлари жорий таъмирдан чиқди, 795 та уй йўлаклари ёриткичлари тикланиб таъмирланди, 861 та ёғоч эшиклар металл эшиклар билан алмаштирилди, 1624 та уй ертўлалари ахлатдан тозаланиб, ёриткичлари тикланди, 1966 та электр шитлар жорий таъмирланди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кириш йўлакларини эшикларини темир эшиклар билан алмаштиришга ҳомийлар жалб қилинган. Бунга Чилонзор туманидаги кўп қаватли уйлар йўлак эшикларини таъмирлаб бeришни ўз зиммасига олган «Ўзтелеком» компаниясини мисол қилиб келтириш мумкин.

Иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув, электр энергияси, газ етказиб бeрувчи корхоналардаги иншоотларни ва тизимларини мавсумга тайёрлаш бўйича шунини айтиш керакки, муҳандислик хизматлари томонидан умумий йиллик режага нисбатан 27,0 километр иссиқлик тармоғи, 3,21 километр совуқ сув тармоғи тубдан таъмирланди. 191,7 километр иссиқлик магистрал ва тақсимлаш қувурлари, 315,3 километр сув тармоғи жорий таъмирланди. Совуқ сув етказиб бeрувчи 9 та насос тубдан таъмирланди. Бундан ташқари шаҳар хўжалигига иссиқлик энергияси етказиб бeрувчи 3 та иссиқлик қозони капитал ва 225 та қозон жорий таъмирдан чиқарилди. 3347 та уйнинг иссиқлик қувурлари бoсим остида ювилди, 3841 та иссиқлик бўғини профилактика қилинди. Шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам тасдиқланган дастур асосида олиб бoрилмоқда.

Албатта, дастур асосида амалга оширилаятган режадаги ишларнинг сифатли бажарилиши, пухта тарвадуд шаҳар хўжалиги ривожига муҳим ҳисса бўлади. Шу ўринда айтиш лозимки, кўп қаватли уйда яшовчи истеъмолчилар ҳам кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашга кузги-қишқи мавсум хозирлигининг тез ва соз бoришига, шунинг бaрoбариди ўзлари учун қулай шарт-шароитларнинг муҳайё этилишига муҳим ҳисса қўшган бўлишди.

Шарифа ИЛЁСОВА

**КОММУНАЛ СОҲАДА ИСЛОҲОТЛАР ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРГАН БУГУНГИ ШАРОИТДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА КўРСАТИЛАётган ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШГА, УЛАРГА ҚўЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ТЕЖАМКОРЛИККА ЭРИШИШ МАҚСАДИДА ИССИҚ ВА СОВУҚ СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАРИНИ ЎРНАТИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Тўловлар

## ЁДИНГИЗДАН ЧИҚМАСИН

Албатта, ана шу қулайлик, коммунал хизматни ташкил этиш анча-мунча меҳнат ҳамда каттагина маблағ талаб қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир нарсанинг ҳисоби бoра. Яъни истеъмолчи кўрсатилган хизматлар, етказиб бeрилган бeбаҳо нeъматлар ҳақини вақтида тўламаса, қарздорлик ортиб бoради. Бу эса хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Биргина барчамиз учун азиз нeъмат саналган сувни олиб кўрайлик. Уни аҳолига тоза ва узлуқсиз етказиб бeриш учун соҳа ходимлари тинимсиз изланишиб, кeчаю кундуз меҳнат қилишди. Шунингдек, бунга анчагина маблағ ҳам зарур. Фойдаланилган совуқ сув ҳақини вақтида тўламаётганлар ана шунини эътиборга олсалар яхши бўларди. Бундай қарздорлар орасида Учтепа тумани, Раҳимбoбoвeв кўчаси, 2-йўлак, 32-йўдан К.Солиҳов 158.200 сўм, шу кўчанинг 2-йўлаги, 17-йўдан А.Абдуллаҳўжаев 72.800 сўм, «Чилонзор-23» даҳа, 57-йў, 22-хонадондан Т.Авазов 68.900 сўм, Яккасарой тумани, Шоший 1-бeрк кўчаси, 12-йўдан Д.Раҳимов 115.800 сўм, 40-йўдан Т.Тўлаганова 60 минг сўм, У Носир кўчаси, 28-йў, 47-хонадондан Азимбoвeа 85 минг сўм, Қунаев кўчаси, 16-йў, 28-хонадондан К.Назиров 65 минг сўм совуқ сув ҳақини тўламай юришганига нима дейиш мумкин. Ахир ана шу оби ҳаёт бир кунгина хонадонингизда бўлмаса, қандай аҳволга тушишингизни тасаввур қилсангиз бўлмайми?

«Тошискиликкуввати» ишлаб чиқариш бirlашмаси маълумотларига назар солсангиз, иссиқлик ва иссиқ сув тўловларини йиллаб тўламаган истеъмолчиларнинг қарзларидан ёқа ушлашингиз турган гап. Бу сафар Миробод туманида истикомат қилувчи ана шундай қарздорлар билан танишасиз. «Кўйлик-1» мавзеси, 20-йў, 20-хонадондан Коржовов 693.800 сўм, 15/2-йў, 6-хонадондан Ф.Эргашева 562.680 сўм, 15/1-йў, 32-хонадондан Н.Бойметов 596.740 сўм, 11-йў, 37-хонадондан А.Самаркин 417080 сўм, 2-йў, 25-хонадондан И.Абдуллаева 539770 сўм иссиқлик ва иссиқ сув ҳақини тўламаган. Уларнинг турли хил баҳоналари эса, албатта тўловни бажармасликка далил бўла олмайди. Чунки олмақнинг бeрмоғи бoр-да. Хизматдан фойдалангандан кейин тўловини ҳам бажариш шарт.

Кўплаб хонадон эгалари уйларидан майишй чиқиндиларни олиб чиқиб ташлашдию уни олиб кетишдаги меҳнат ва маблағ билан қизиқишмайди. Йўқса ҳақини оғринмай тўлашармиди. Зора ана шундай истеъмолчиларнинг ўз исми-шарифларини кўриб қарзлари ёдига тушса...

Чилонзор тумани, Х.Қодирий кўчаси, 1-йўдан Б.Иноятлов 219 500 сўм, Гулистон кўчаси, 3-йўлак, 1-йўдан М.Алимова 153750 сўм, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 83-йўдан А.Иноғомов 130 минг сўм, «Кўйлик-2» даҳаси, 4-йў, 65-хонадондан С.Исаян 52.500 сўм, М.Улуғбек тумани «ТТЗ-1», 20-йў, 4-хонадондан Ф.Абдуқодиров 74 минг сўм, Шўртeпeа кўчаси, 26-йўдан Ф.Исмаилов 59 минг сўм қарздорликларини яна бир бор еслаб қўйишса, тўловга шошилармиди, қарздорликдай ёмон иллатдан қутулармиди?

Шунингдек, ҳар галгидек ҳамшаҳарларимиз орасида бeминнат гaзни ёқиб, пули эса қақаётганлар ҳам топилади. Шайхонтоҳур тумани, Қизил гунча кўчаси, 7-йўдан З.Насруллаев 247 минг сўм, Дучор кўчаси, 5-йўдан У.Содиқова 209250 сўм, Яккасарой тумани, Чўпон ота кўчаси, 48-йўдан Т.Ҳакимжонов 236.194 сўм, Сукрот кўчаси, 17-йўдан А.Зуфаров 220957 сўм газ ҳақидан қарздордир. Юқоридаги барча қарздор истеъмолчиларга ўз мажбуриятларини унутмасликни таъкидлаган ҳолда қарздорлик—иллат эканлигини яна бир бор еслаб ўтамиз.

(Ўз мухбиримиз)

Транспорт

## УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛИБ

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ШАҲРИМИЗ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР АҲОЛИНИ МАМНУН ЭТИШИ БАРОБАРИДА ЙўЛОВЧИЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛАЙЛИҚДАН, УЛАРНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ, УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРДАН ДАЛОЛАТДИР.**

Бу борада пойтахтимизда фаолият юритаётган «1-автобус саройи» акциядорлик жамияти жамоасининг ҳам маълум ҳиссаси борлигини таъкидлаш керакки, уларнинг ўз мақсадларига эришишларида Президентимизнинг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»-ги Фармони ва тегишли қарорлар, Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги Қарори дастуруламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатлар асоси-

да белгиланган вазифаларни бажаришда жамоанинг ҳар бир ходими сийдиқдидан меҳнат қилмоқда.

— Ёлга хизмат —олий ҳиммат, деган халқимизнинг аjoyиб накли бeжизга айтилмаганки, жамоамиз ахли ҳам ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари узоқини яқин қилиши, намунали транспорт хизмати кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда,—дейди акциядорлик жамияти раиси Ақром Адхамов биз билан суҳбатда.—Мавжуд 127 та

турли русумдаги автобусларимиз 12 та йўналиш бўйича хизмат кўрсатади. Пойтахтимизнинг Миробод, Ҳамза, Юнусовод туманлари аҳолисига ва кўплаб ҳамшаҳарларимизга ҳар кун эрта тонгдан кечқурунгача хизмат кўрсатишда 190 нафар ҳайдовчиларимиз меҳнати ибратлидир. Уларга эса чиптачилар ҳамда зарур бўлиб қолганда чилангар ва малакали соловчиларимиз камарбаста бўлишди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жамоамизда биринчи навбатда тартиб-интизомга, автобусларнинг техник ҳолатини яхшилашга, йўловчилар билан ҳушмуомаллада бўлишга эътибор қаратиб келмоқдамиз. Йўловчиларнинг эътироз ва шикоятлари ўз вақтида ўрганилиб, зарур чора-тадбирлар кўриш доимий назорат қилинади. Жорий йилнинг ўтган ярим йиллигида йўловчилар ташиш, нақд тушуш, фойдаланиш коэффициентини, даромад бўйича режалар муваффақият билан урдаланди. Энг муҳими эса ҳайдовчи ва чиптачиларнинг интизомга муносабатини, йўловчиларга муомаласини яхшилашга эришилётганидир.

Албатта, намунали хизмат ҳақида гапирилганда уни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаётган ҳайдовчиларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу борада 37-йўналиш сардори Бердиёр Мирмахмудов, 81-йўналиш сардори Зиёдилла Эминжонов, 93-йўналиш сардори Исроил Мишнаров, 61-йўналиш сардори Сунатилла Умаровларнинг номларини фахр билан таъкидлаш мумкин.

Яқинда автокорхонага янги 10 та микроавтобус ахратилди. Улар айтин кунда 81- ва 26-йўналиш бўйича қатновчи йўловчиларни мамнун этмоқда. Қатнов мунтазамлигини таъминлашда, хизмат сифатини оширишда бу, албатта, катта ҳисса бўлади.

Жамоа транспортчилари ҳозирда техник тайёргарлигини янада ошириш, кузги-қишқи мавсум тарвадудини кучайтириш, муҳими,



хизмат сифатини таъминлашга катта эътибор билан ёндошишга ҳаракат қилар экан, ундан қўзланган асосий мақсад пойтахт жамоат транспортини ривожига салмоқли ҳисса қўиши, йўловчиларни бeхатар ва вақтида манзилларига елтишдир. Уларнинг йўллари раво ва ойдин бўлишини ният қилган автобус саройи ахли бунини, албатта урдалайдилар.

**Дилноза БАХРОМОВА**  
**СУРАТЛАРДА:** илгор ҳайдовчи Алижон Турсунов йўловчилар хизматига; ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Баҳодир Умаров ҳайдовчилар Худойберган Ризомухамедов ва Александр Мельниковлар билан суҳбатлашмоқда.

**Қозим Ўлмасов**  
**олган суратлар**



Сўранг, жавоб бeрамиз

## УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ ЧАҚИРИШ

Яқинда 2 та кўп қаватли уйдан иборат янги ширкат тўзди. Ана шу ширкатимиз аъзоларининг умумий йиғилиши ва уни олиб бoриш тартиби қандай бўлади?

**Музаффар Оқилов,**  
**Яккасарой тумани.**

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»-ги Қонунининг 20-моддасида таъкидланишича, ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши йилга камида бир марта ширкат уставига белгиланган тартибда қачқирлади.

Шунини айтиш керакки, ширкат аъзоларининг ҳар йилги

умумий йиғилиши молия йили тугагандан кейин 60 кундан кечиктирмай қачқирлиши лозим. Навбатдан ташқари йиғилиш эса бошқарувнинг, ширкатда камида ўн фoиз овозга эга бўлган ширкат аъзоларининг ташаббусига, шунингдек, тафтиш комиссиясининг талабига биноан қачқирлиши мумкин. Агарда ширкат қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган бўлса, ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қачқирлиши мумкин.

Умумий йиғилиш ўтказиладиган жой, сана, вақт, йиғилиш кун тартиби ҳақида ширкат аъзоларини хабардор қилиш ширкат уставига белгиланган тартибда амалга оширилади. Агарда умумий йиғилиш кун тартибига умумий мол-мулкни сақлаш ишларининг режаларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, мажбурий бадаллар миқдорларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш қиритилган бўлса, ширкат бошқаруви умумий йиғилиш ўтказилгунига қадар ширкат аъзоларига мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаш шарт.

Бундай танишиш тартиби ширкатнинг уставига белгиланган.

Агар йиғилишда ширкат аъзоларининг ёки улар вакилларининг 50 фoизидан кўпроғи қатнашса, умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади. Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларини бirlаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирли ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг камида 50 фoизи ҳoзир бўлиши керак. Умумий йиғилишнинг оддий кўпчили овоз билан сайланган йиғилиш раиси олиб бoради.

Ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий йиғилишда бир овозга эга бўлади. Шунини айтиш керакки, умумий йиғилиш баённома билан расмийлаштирилиб, мазкур ҳужжатга йиғилиш раиси ва котиби имзо қўяди.

Қонуннинг 22-моддасига кўра, ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатига қиритилган масалалар бўйича қарор агар ширкат аъзоларининг эллик фoизидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Умумий йиғилишда қабул қилинган қарор ширкатнинг барча аъзолари учун мажбурий ҳисобланади.

## ТОШКЕНТДА ЭРОНЛИК ТАДБИРКОРЛАР

**ТОШКЕНТДА ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МОЗАНДОРАН ВИЛОИ ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ, МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ҚУРИЛИШ МОЛЛАРИ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ЙИГИРМА НАФАР ДЕЛЕГАТЛАРИ ИШТИРОКИДА МАТЕБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Ўзбекистон Савдо саноат палатаси ҳамда Эрон ом Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси табу-си билан ташкил этилган тадбирда Республика савдо зат палатаси раиси ўринбосари Набижон Қосимов, Эрон ом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулдада ва гор элчиси Мухаммад Фатхоли ҳамда ўзбек ва эронлик тир-корлар иштирок этди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари, қурилиш моллари ва ноқ хўжалиги бўйича ривожланган мамлакатлардан бири ган Эрон билан ҳамкорлик алоқаларининг мустақамлиши ҳар икки давлат учун ҳам манфаатли бўлади. Айни гда Эрон Ўзбекистоннинг ўн та йирик иқтисодий ҳамкорлигадиган давлатлари сирасига қиради. Биргина 2006 йда икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 658,9-лион АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистонда эннинг 89 та тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулои, қурилиш моллари ва мева-сабзавот йўналишларидаги ма корхоналари фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткичларнида ривожлантириш мақсадида таширф бююрган эронлид-биркорлар ўзбек тадбиркорлари билан қишлоқ хўжги, мева-сабзавот, қурилиш моллари, пластмасса ишлаб-д-риш, иссиқлик қурилмалари бoрасида янги қўшма ко-нар ташкил этишни режалаштиришган.

— Мозандоран мева-сабзавот маҳсулотлари, қуш моллари, денгиз маҳсулотлари ва саноат ишлаб чиш бўйича мамлакатнинг етакчи вилoяти ҳисобланади, — ди Эрон Ислoм Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Мухаммад Фатхоли. — Ўзбекистон бр-ларида сотилаятган мева-сабзавотлар ҳам айнан уш-вилoтда етиштирилган. Биз келгусида юртингизга кeли-лаятган мева-сабзавотлар ҳажмини янада кўпайтирни режалаштирганимиз. Бу борада икки давлат тадбиркoри-нинг ҳамкорлиги ўзининг ижобий самарасини бeргга ишонаман.

Ташриф давомида ўзбекистонлик ва эронлик тар-корлар иштирокида бизнес-форум ташкил этилади. да икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривс-тириш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинади.

— Биз Ўзбекистон бoзорларини чўқур ўрганиб чик ҳамда мева сабзавотта, қурилиш молларига, қишлоқ-алигига бўлган етиҳиёдан қониқиш ҳoсил қилиб, бу бда керак бўладиган қурилмаларни, техник воситаларни-а-зиб бeриш бoрасида кeлишувларга еришмоқдамиз, — йди делегация вакили Моҳсейн Какои. — Ўзбек тадбир-лари билан қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот йўналишида қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхoнални ташкил этиш бўйича музокаралар олиб бoряпмиз.

9 июлга қадар давом этадиган ташрифда эронлиҳ-монлар Республика Савдо саноат палатаси, Ўзбекон ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ер-лиги, Эроннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда похт-даги фермер хўжаликлари ва корхоналар билан ҳам-н-дан танишишди.

**Рустам ХАЙДАВ,**  
**«Туркистон-прс»**

Иқтисодиёт

## ЧИДАМЛИ ВА МУСТАҲКАМ

**БУНЁД ЭТИЛАётган БИНО ВА ИНШOОТЛ КўРКИ ВА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ АШЕЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР.**

Эътиборлиси эса, ана шундай қурилиш кўламинин-гайитиришда, бунёдкорларнинг меҳнатини енгиллe-ришда, маҳоратини намoён этишда асқoтадиган қуриш материалларининг ўзимизда тайёрланаётганидир. «СО LD» масъулияти чекланган жамиятида ҳам ўн йилди, ишлаб чиқарилаятган том ёпиш учун мўлжаллангае-репичлар республикамизда бунёд этилаятган бинр-да кенг қўлланилмоқда. Мухими эса ушбу чeрепиар маҳаллий хом ашё—қум ва цементдан тайёрланиб,о-логик тозаллиги, ўрнатишга қулайлиги, ранглири ҳафoр дидига мослиги, иқлим шарoитига чидамлилиги вeс-таҳкамлиги билан ажралиб туради. Пойтахтимизги кўплаб турар-жой бинолари, Самарқанд ва Бухоро ю-ятларидаги лицей ҳамда коллежлар қурилишда ко-на маҳсулотидан кенг фойдаланилди. Тадбиркорлаа-фақат чeрепицаларни ишлаб чиқаради, балки шарма асосида уларни ўрнатиб ҳам бeради.

Харидорларга қулайлиқни назарда тутган ҳолда м-лакатиимизнинг кўплаб вилoятлари, жумладан Саманд ва Сурхoндарёда, Қoрақалпоғистон Республикасидeр-хoнанинг кичик чeхлари фаолият кўрсатмоқда. Яна ни алоҳида таъкидлаш лoзимки, корхона мутахассисларир неча йилдирки, ўз изланишлари асосида чeрепицаяй-ёрлашга мўлжалланган кичик дастгоҳ яратишди. бу дастгоҳлар жойларда фаолият бошлаётган тадбиркoрга ниҳоятда қўл кeлади.

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

**ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИНГ САНДИҚЧИЛИК ТУРИНИ ЭЪЗОЗЛАБ КЕЛАётН РУСТАМ ҚОСИМОВ ОТА-БОБОЛАРИ ҲУНАРА МЕХР ҚўЙГАНЛАРДАН САНАЛАДИ.**

Шу боис ҳам бeшинчи авлод вакили саналган ёшн-диксознинг янги технологиялардан самарали фойда-ниб Тошкент услубини қўллаган ҳолда яратган маҳс



— Шавкат Сардорович, бу йилдан бошлаб тўққизинчи синфни битирган ўғил-қизларимиз ўқини факат касб-хунар коллежлари ёки академик лицейларда давом эттириши мумкин. Айтингчи, шахримиздаги ўрта махсус ўқув муассасаларининг бу борадаги имкониятлари қандай?

— Янги ўқув йилига барча тайёргарлик ишлари мамлакатимиз Президентининг «Тошкент шаҳрида ўн икки йиллик таълим тизимига тўлиқ ўтиш ва янгидан қурилаётган ҳамда реконструкция қилинаётган академик лицей ва касб-хунар коллежларини 2007-2008 ўқув йилига ўз вақтида тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ олиб борилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, ўқувчи-ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари орасида ўтказилган социологик сўровнома натижаларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча ўқиш жойларини ташкил этиш ҳамда янги академик лицейлар, шу жумладан янги йўналишлар бўйича ҳам ўрта махсус таълим муассасаларини очини кўзда тутилган. Чунончи, Мирзо Улугбек Машинасозлик, Тошкент Кино-видео-техника, Тошкент ва Юнусобод Саноат, Миробод Транспорт касб-хунар коллежлари тавсия этаётган йўналишлар ўрнига Тошкент Давлат техника университети, Ўзбек Давлат ҳаётини тиллари университети, Тошкент Тўқимачилик ва ёнгил саноат, Темир йўл муҳандислари ҳамда Кимё-технология институтлари негизига янги академик лицейлар ташкил этилди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент Фармацевтика институтини ва Тошкент Тўқимачилик ва ёнгил саноат институтини қосидаги академик лицей ўқувчилари эса янги ўқув йилини мутлақо янги шароитда — замонавий техника, мебель анжомлари ва бошқа зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги бинода бошлашади.

Шундай қилиб, 2007-2008 ўқув йилида пойтахтимизда 80 та касб-хунар коллежи ва 37 та академик лицей фаолият юритадиган бўлса, уларга 40 мингга яқин ўқувчи қабул қилиниши режалаштирилган. Жорий йилнинг 1 июлига қадар ушбу ўқув юртлирига пойтахт мактаблари тўққизинчи синф битирувчиларидан 35.604 та ариза қабул қилинган. Демак, уларда шахримизда доимий истикомат қилаётган ўғил-қизларимизни тўлиқ қамраб олиш билан бирга, шунингдек, қисман республикамиз вилоятларидан ҳам ўқирларни қабул қилиш имконияти бор.

— Аммо, очигини айтганда, айрим ўрта махсус ўқув юртлирига талаба қўлиб этилаётган имкониятлардан анча устун келмоқда. Аслида баъзи олий ўқув юртлирига хос «нуфузли» сифат белгиси бугунги кунда коллеж ва лицейларга нисбатан ҳам қўлланилмоқда десак хато бўлмайди. Шу боис ўқувчи-ёшларнинг бу борадаги истак-хоҳишлари қандай қаноатлантирилаётгани хусусида батафсил тўшунча берсангиз.

— Юқорида қайд этилган Низомнинг бешинчи бандига асосан у ёки бу ўрта махсус таълим муассасасининг қамраб олиш имконияти доирасида ўқиш истagini билдирган битирувчилар академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг сафига тўғридан-тўғри расмийлаштирилади, яъни суҳбат ёки тест синовларини ўтганган ҳолда қабул қилинади.

Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, ҳақиқатдан ҳам айрим ўрта махсус ўқув муассасаларига талаб оқори бўлиб келмоқда, хусусан, иктиодиёт, тиббиёт, компьютер технологиялари ҳамда ихтимоий-гуманитар йўналишдаги коллеж ва лицейларга анча кўп аризалар топширилгани қайд этилган.

Айни пайтда, юқорида айтиб ўтилганидек, битта жойга икки-уч, ҳаттоки ундан зиёдор киши тўғри келаётган вазиятларда тегишли таълим муассасасининг барча имкониятларидан келиб

чиққан ҳолда, жумладан, қабул меъёрларига янада аниқлик киритиб масалани ҳолисона ҳал этиш чоралари қўрилади. Ўз навбатида, талаб оқорилги ёки юзага келиши мумкин бўлган бошқа объектив ҳолатлардан қатъи назар, айрим тоифадаги ўқир-ёшларга имтиёзлар кўзда тутилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ болалиқдан ногиронлар, етимлар ёки ота-онасининг қаровида бўлмаган тўққизинчи синф битирувчилари тегишли академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг сафига тўғридан-тўғри қабул қилинади. Шунингдек, халқаро ёки республика микёсидаги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичидаги фан олимпиадалари қолиблар, аъло даражадаги умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномага эга бўлган битирувчилар устуниликка эга бўлади. Бундан ташқари, шаҳодатноманинг ўртача баълидан келиб чиққан ҳолда ёки агарда ушбу кўрсаткичлар тенг бўлиб қолган ҳолатларда танлаган академик лицей ва касб-хунар коллежи тайёрлов йўналишлари бўйича тегишли фанлар-

шунтириш ишлари йўлга қўйилган. Ўрта махсус ўқув юртлирида бу борада кетма-кет, деярли узлуқсиз равишда «Қасблар фестиваллари», «Очиқ эшиклар кунлари» ўтказилди. Шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатларимиз бесамар эмас: ўғил-қизларимиз бўлажақ касбини тўғри танлаш имкониятига эга бўлди, деб ўйлайман.

Коллеж ва лицейлардаги маслаҳат марказлари қаторида эндиликда 11 та туман кесимида ҳам тегишли марказлар ўз ишини давом эттирмоқда. Тажрибали мутахассислар ва ваколатли мансабдор шахслар таркибидаги бу марказларнинг аҳамиятли томони шундаки, уларнинг ҳар бири маълумотнома адабиёти, видео ва бошқа кўргазмали материаллар билан тўлиқ таъминланган ва бу ерга шахар бўйича ҳар бир ўрта махсус таълим муассасасига оид сўнгги ахборотлар тўпланиб борилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, барча мактабларнинг ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларига қабул қилиш масаласига оид ҳамма ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлангани анча қўлайлик яратди. Битирувчи ёшлар мактабининг ўзида ўрта махсус таълим муассас-

Шу ўринда ўн икки йиллик мажбурий таълимнинг алоҳида жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз деб биламан. Коллеж ёки лицейни битирган 18 ёшдаги фарзандларимиз то маънода мустақил шахсдир. Улар нафақат ўз истак-хоҳишидан келиб чиқиб ўқишни олий ўқув юртлирида давом эттиришлари, балки авваламбор бирданига уч-тўрттагача мутахассислик бўйича ишлаш имкониятига ҳам эгадир. Бугунги кунда биргина пойтахтимизда мавжуд коллежларда 180 дан зиёд йўналишлар бўйича оқори малакали мутахассислар етиштирилади. Битирувчиларимиз ҳаттоки бошида учинчи тоифали мутахассис сифатида ҳам энг замонавий технологик жараёнларни бемалол бошқара оладилар. Ишонч билан шуни ҳам айта оламаники, бугунги кунда биз тайёрлаётган барча мутахассисликларга меҳнат бозорига талаб мавжуд. Мамлакатимизда ўн йилдан буюн илмий таътиб этиб келинаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосидаги узлуқсиз таълим жараёнининг асосий бўлини айнан шу йўсинда ўз тасдиғини топаётганига яна кўп мисоллар келтириш мумкин.

— Сиз бугунги кунда долзарб бўлиб қолаётган яна бир муҳим масала — ёшларни иш билан таъминлаш, умуман олганда уларнинг бандлигига оид масалалар ҳам ургу бериб ўтдингиз. Бу борада ўрта махсус таълим микёсидаги амалий ҳаракатлар хусусида ҳам қисқача фикр билдирсангиз.

— Ҳар йили мутахассисларимиз томонидан коллеж ва лицей битирувчилари бўйича мониторинг ўтказиб борилади. Албатта, лицейни таъминлаган ёшларимизнинг ақсари яъни олий ўқув юртлирига кирмоқда. Шу билан бирга кейинги йилларда коллежларни битириганларнинг 35 фоизи ўқишни давом эттириш истигида бўлмоқда. Умуман айтганим бўлса, битирувчиларимизнинг 95 фоиздан зиёди ишга жойлашиб ёки ўқишни давом эттирмоқда. Ўғри, ҳаммалари ҳам мутахассислиги ёки кўнглига яраша иш топамаган бўлиш мумкин, аммо фойдали меҳнат билан шу-

гуланаётганликларига ишончим қомил.

Кези келганда, кўпчилик йигит-қизларимизни қизқитириши мумкин бўлган бир янгиликдан хабардор қилмоқчиман. Жорий йилдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази ва Микрокредитбанк ўртасида ўзаро шартнома тўзишга эришилди. Ушбу ҳужжатга асосан ҳар бир ўрта махсус ўқув юрти битирувчиларига мустақил иш бошлаши учун 2,5 миллионгача имтиёзли кредит ажратилиб берилган. Шу кундан коллеж ва лицей битирувчиларига диплом топириши маросимлари бўлиб ўтмоқда. Ўғри тадбирларда Микрокредитбанкнинг масъул вакиллари ҳам қатнашиб, ўзаро манфаатли шартнома шартлари ҳақида батафсил маълумот бермоқдалар. Ҳозирча аниқ рақамлар келтириш қийин, лекин ўйлаймизки, ўғил-қизларимиз ичида шу кундан бошлаб турли соҳаларда ўз бизнесини бошлашга шай бўлиб турганлари кўпалаб топилади. Бундан ташқари, барча коллежларимиз бир қатор корхона ва ташкилотлар билан васийлик шартномалари тузганили ва бунинг натижасида ёшларимиз ўзлари танлаган касблари бўйича ишга жойлашиб имкониятига эга бўлаётгани хусусида билдириб ўтиш фойдадан холи эмас.

Сўзим аяқунда эса ёшларимизга шуни эслатиб ўтмоқчиман, бугун ҳар бирингиз ҳаётининг энг муҳим, энг масъулиятли босқичида турибсиз. Танлаган касбингиз бевосита келажақингизни белгилловчи омил ҳисобланади. Унутманг, бирон-бир лицей ёки коллежининг нуфузи марказда жойлашгани ёки кўп ҳужжатлар ҳажми билан ўлчанмайди. Бу борада ўзгалар фикридан ийроқ бўлинг ва фақат ҳақиқатдан ҳам айнаш шу коллеж ёки лицейда ўқиш, мустақил ҳаётга йўланма олиш истигида бўлган ҳолда ҳаракат қилинг. Барчангизга омад ёр бўлсин!

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА  
сўхбатлашди

## Шу куннинг мавзуси

# ҲАММА ЎЗИ ИСТАГАН КОЛЛЕЖ ЁКИ ЛИЦЕЙДА ЎҚИШИ МУМКИН

**ТЎҚҚИЗИНЧИ СИНОФ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ АЙНАН ШУ ТАРЗДА ҲАЛ ЭТИЛИШИГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНМОҚДА, ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ. ДАРҲАҚИҚАТ, БУ МАСАЛАГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ВА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ЯҚИНДА ТАСДИҚЛАНГАН «УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9-СИНОФ БИТИРУВЧИЛАРИНИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚИТИШ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМДА ҲАМ АЛОҲИДА УРҒУ БЕРИБ ЎТИЛГАНДИР.**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ ШАВКАТ ЖАВЛОНОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ДАВОМИДА УШБУ ЖАРАЁН ПОЙТАХТИМИЗДА ҚАНДАЙ КЕЧАЁТГАНИГА АНИҚЛИК КИРИТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИК.**

дан баҳолар йиғиндиси бўйича ҳам ўқувчига имтиёз берилиши мумкин.

Агарда шунда ҳам саралаб олиш юқори даражада бўлиб қоладиган вазиятларда имконияти қамроқ бўлган абитуриент ва унинг ота-онаси билан келишилган ҳолда энг мақбул қарор қабул қилиниши мумкин, жумладан, йўналиши яқин бўлган турдош коллеж ёки лицейга ҳужжатларни ўтказиш имконияти ҳам бор. Чунончи, мисол тариқасида, Боровский номидаги тиббиёт коллежига белгиланганидан анча кўп ариза қабул қилингану лекин ҳамма абитуриентни ҳам тўлиқ қамраб олиш имконияти бўлмаган тақдирда, ўқувчи-ёшларимизга шу даражадаги бироқ бошқа тиббиёт коллежини, хусусан ҳозирча қабул меъёри тўлмаган Собир Раҳимов туманидаги Турсунхўжаева номидаги ёки Сергели тиббиёт коллежини тақлиф қилиш мумкин бўлади. Нима учун бу ўқув юртлирининг имкониятларидан вақтида тўлиқ фойдаланилмаган деган ўринли саволга жавоб битта. У ҳам бўлса ёшларимиз бу ҳақда тўлиқ ва тўғри ахборотга эга бўлмаганликлари деб ўйлайман.

— Дарвоқе, ҳужжатлар ҳақида сўз очдингиз. Шу ўринда бу йилдан бошлаб бевосита ўрта махсус ўқув юртлирига зарур ҳужжатларни топириши жараёнига кириштирилган бўлиб қолганда, асосан қамраб олиш имконияти бўлмаган абитуриентнинг оқорини сезиларли енгиллаштириганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак.

— Ҳақиқатдан ҳам шундай ва бу мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ва албатта ота-оналарнинг тақлифларидан келиб чиқиб қилинган чора-тадбирлардир. Анча аввал, жорий йил бошиданок тўққизинчи синф ўқувчилари орасида мавжуд коллеж ва лицейларга қабул қилиш, улардаги яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таништиришга йўналтирилган кенг қамровли ту-

саси раҳбари номига ўзи истаган коллеж ёки лицейга кириши ҳақида шахсан ариза тўлдирди. Кейинчалик барча тўплам ҳужжатлар мактабдан бириктирилган масъул вакил томонидан тегишли коллеж ёки лицейга ҳеч қандай тўсиқларсиз қабул қилинди. Шундай қилиб, битирувчиларнинг ҳужжатлари лицей ва коллежларга тўлиқ топирилишига ва уларнинг сақланишига мактаб ҳамда ўрта махсус таълим муассасаси раҳбарлари бирдй жавобгардирлар.

— Тўққизинчи синф битирувчилари қаторида бу йили мактабни ўн биринчи синфлар ҳам тутганди. Ўрта маълумотга тўлиқ эга бу ёшларимизнинг ўз имкониятларини олий ўқув юртлиридагинагина қўриши табиийдир. Уларнинг барига омад тилаймиз, албатта. Бироқ талабалик насиб этмаган фарзандларимизнинг тақдирини қандай бўлади деган савол ҳам ўринлидир. Улар воқия етган ва юқорида айтилганидек, ўрта маълумотли шахс ҳисобланади, аммо бирон-бир касбга эга бўлмагани ҳали мустақил ҳаётга тайёр эмаслигининг далолат эмасми? Шундай экан, 11-синф битирувчиларини ҳам коллеж ёки лицейларга қабул қилиш кўзда тутилмоқдими?

— Айтиб ўтганингиздек, айни пайтда тўлиқ ўрта маълумотга эга ёшларимизнинг ақсари яъни институтга киришга ҳаракат қилмоқда. Демокчанки, факат олий ўқув юртлирига давлат тест синовларининг натижалари маълум бўлгандан кейин — август ойида институтга киришмаган ёшлар билан ишлаш жараёни бошланади. Шунини ҳам қўшимча қилмоқчиманки, 11-синфни тутатганлар учун лицей ёки коллежда ўқиш жараёни тўлов-шартнома асосида амалга оширилади, ўқиш муддати эса танлаган йўналиши бўйича - бир йилу ўн ойдан то 2,5 йилгача мўлжалланган.

## «АНЪАНАВИЙ ЎЗБЕК КАДРИЯТЛАРИ ҲАМДА УРФ-ОДАТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ: ХОРИЖДАН НИГОҲ»

**ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ (ISESCO) ТОМОНИДАН ТОШКЕНТНИНГ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛАЖАК «ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЎРНИ ВА РОЛИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИНИНГ МАВБУЗАСИ АНА ШУНДАЙ НОМЛАНАДИ.**

Маъруза муаллифи таникли туркшунос олим, Вашингтон университети профессори Илза Лауде Сиртаутас хонимдир. У Германияда туғилган, 1959 йили Америкага кўчиб борган. Аммо у ГФР фуқаролигига қолди.

Профессор Сиртаутас Пенсильвания ва Далласда, сўнгра Индиана университетидида талабаларга ўзбек ва қадимги турк тилидан сабоқ берди. Айнан шу ерда профессор Сиртаутас ўзбек тилини ўрганиш бўйича гуруҳни илк бор ташкил этди.

1987 йилда у Вашингтон университети-нинг Яқин Шарқ тиллари ва маданияти департаментига раҳбар бўлди. Уша пайтнинг ўзида унинг етакчилигида Ўзбекистон ҳақидаги сабақлари, ўзбек тили, адабиёти, тарихи, маданияти ва санъатини ҳам қамраб олган Марказий Осиё халқлари тили ва маданияти ёзги дастури амалга оширилди.

Ўзбекистонда «Илзахоним» ёки оддийгина қилиб «Она» номи билан яхши танилган профессор Сиртаутас Ўзбекистоннинг самимий дўсти, АҚШда ўзбек тили, адабиёти, маданияти ва санъатининг фаол тарғиботчиси ҳисобланади.

Сиртаутас хоним «Ўзбек тилининг адабий хрестоматияси» наشري муаллифи ҳамдир. Ундан Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Улмас Умарбеков ва бошқа кўпқаб таникли ўзбек ёзувчиларининг асарлари қўйилган. Китоб 1980 йили Германиянинг Висбоден шаҳрида нашр этилган эди. Хрестоматия ҳозирга қадар Ўзбекистон ва

Марказий Осиёга қизиқувчи америкалик талабалар учун асосий қўлланмалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Профессор Сиртаутас, шунингдек, қатор замонавий ўзбек адабиёти намуналарини ҳамда эллиқка яқин ўзбек халқ эртагини инглиз ва немис тилларига таржима қилган.

1995 йилда олим ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг 75 йилги юбилейида қатнашиш учун тақлиф этилди. Бу ерда у фахрий докторлик унвонига сазовор бўлди.

2006 йили Ўзбекистонда ва хорижий элларда Амир Темир таваллудининг 670 йиллик тантаналари кенг нишонланган бир пайтда олим ва унинг ҳамкасблари Вашингтонда Сохибқиронга бағишланган маърузаларни ташкил этди. Буюк саркарда ва давлат арбоби ҳаёти ҳамда фаолиятига доир турли мавзуларни қамраб олувчи чиқишлар Америка жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Жорий йилнинг августидида ўтказилиши мўлжалланган Тошкент конференциясида профессор Илза Лауде Сиртаутас ўз маърузасида авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўзбек халқи қадриятларининг сақланиши феноменини кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Маъруза муаллифи бу қадриятлар ўзида нафақат «анъаналарни, балки ўзбеклар орасида қабул қилинган инсонларнинг ўзаро муносабатлари, муомала ва ҳулқ-атвор тарзини қамраб олади», деб ҳисоблай-

ди. Вашингтон университети профессорининг фикрича, «бу каби меъёрлар ўтган давларда Ўзбекистон тарихий тараққиётининг мураккаб йўлида бўлганига қарамай ўз илдизларини сақлаб қолишга эришган халқнинг донишмандлигига таянган».

«Ўзбеклар инсонийликнинг асосий ғазиллари ҳисобланмиш мурувватлилик ва олижаноблиги билан ажралиб туради, деб таъкидлайди Илза хоним. Мурувват турли қўри-нишларда, масалан, меҳмондўстликда намойён бўлади». Маъруза муаллифининг ҳисоблашича, буларнинг тасдиғи халқ оғзаки ижоди, ўзбек халқ эпик қўшиқларидир. Бу манбада ўрناк бўладиган ҳулқ-атвор хусусан, камтарлик, ҳалоллик, катта қийишларга нисбатан ҳурмат, ўз-ўзини идора қилиш ва бағрикенглик ғазилларини топиш мумкин.

Халқ оғзаки ижодиёти сингари ёзма адабиёт ҳам доно фирқ-мулоҳаза ва ўғитларга бой. Донишмандлик адабиёти, умуман, панд-насихат адабиётининг муҳим қондалари мавжуд. Бундай адабиётнинг ёрқин намунаси Алишер Навоийнинг «Мақбул қўлу» фалсафий-дидактик асари ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳамма тарихий давларда катта ёшдаги одамлар фарзандларини ўз боқалолариди қадриятларига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, фольклор асарлари, мақоллар ва донишмандлар китоблариди ана шу эзгу мақсад йўлида фойдаланишга ўргатишган, дейди Илза хоним.

«Жаҳон» АА

**ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДАГИ «ҚУШБЕГИ» БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУАСИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 36 ТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЁЗГИ ОРОМҒОҲЛАРГА СПОРТ АНЖОМЛАРИ ТОПИРИЛДИ.**

## ОРОМҒОҲЛАРГА СПОРТ АНЖОМЛАРИ

Футбол, бадминтон тўллари, стол теннис ракеткалари ва бошқа анжомлардан иборат жиҳозлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан берилди.

—Мамлакатимизда болалар спортига берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар соғлом авлод-ни шакллантиришга қаратилган, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси етакчи мутахассиси Акмал Муродов. — Ушбу анжомлар мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилни мароқли, бўш вақтларини маз-

мунли ташкил этишга қўмаклашиш мақсадида берилди.

Маълумотларга қараганда ёзги таътил мавсумида Тошкент шаҳар халқ таълими тасарруфидаги 36 та болалар мактаб оромгоҳларига жами уч сменда 12 минг 975 нафар болаларнинг дам олишлари кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан пойтахтдаги корхоналар тасарруфидаги 25 та ёзги болалар оромгоҳларига ҳам 17 миллион 240 минг сўмлик спорт анжомлари топширилди.

**14-17 ИЮЛЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН НАМАНГАН ШАҲРИДА «ТЎМАРИС» АЁЛЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ» ЎТКАЗИЛАДИ.**

## «ТЎМАРИС» АЁЛЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ»

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 26 нафар иштирокчи спортнинг волейбол, стритбол, енгил атлетика, стол теннис, шахмат, аркон тортиш, халқ ўйинлари ва сузиш турлари бўйича ўзаро беллашади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланган «Тўмарис» аёллар спорт фестивали» хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш ва спорт билан шуғулланувчиларнинг сонини янада ошириш мақсадида ташкил этилган. Мамлакат аҳолисининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш соғлом турмуш тарзини таъминлаш, турли ижтимоий иллатларнинг олдини олиш ва миллат генофондини соғломлаштириш имконини беради.

«Тўмарис» аёллар спорт фестивали» уч босқичда ўтказилапти. Биринчи босқич меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда спорт турлари бўйича оммавий мусобақалар тарзида, иккинчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида апрель, май ойларида бўлиб ўтганди. Учинчи босқич, яъни фестивалнинг финал мусобақалари 2007 йил 14-17 июль кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтади.

Ортбошимизнинг аёлларни спортга оммавий равишда жалб қилиш борасидаги тақлифига биноан Республика Хотин-қизлар қўмитаси тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бадий гимнастика, синхрон сузиш, теннис каби спорт турларини жойларда кенг ривожлантиришга ўз хиссасини қўшмоқда. Хотин-қизларни спортга мунтазам жалб қилиш, уларни узлуқсиз шуғулланишларини таъминлаш мақсадида жойларда нафис спорт турининг секциялари ташкил қилинди ва уларнинг фаолигини ошириш юзасидан турли хил мусобақалар ўтказилапти.

Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда бир қатор ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур спорт мусобақаси иштирокчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай спорт мусобақаларини кўпалаб ташкил этилиши аёлларни нафақат ўз саломатликларини асраш балки, жамиятдаги фаолигини янада оширади.

**Мадина УСМОНОВА,**  
«Туркистон-пресс»

## Сўранг, жавоб берамиз

## КУРУҚЛИК СИЎҚИМОҚДА

**Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Курил ороллари Россиянинг Сахалин ороли томонида қараб йилга 18 миллиметр тезликда силжиб келаётган экан. Бунақада бориб-бориб Япония ва Россия худудлари бир-бирига қўшилиб кетарканда?..**

**Абдуқаҳҳор Аъзамхўжаев,**  
Учтепа тумани.

**WWW.AIF.RU** интернет сайти маълум қилишича, бутун куруқлик тахминан шундай тезликда ҳаракат қилиш хусусиятига эга. Курил ороллари ҳам бундан мустасно бўлолмайди, — дейди амалий геофизика институтини директори муовини Г. Тўлинов. — Ўн минг йилдан кейин Ер юзи жуғрофияси бутунлай бошқача қўри-нишга эга бўлади.

Шмидт номидаги Ер физикаси институтини бош илмий ходими профессор В. Уломовнинг айтишича, узок келажақда нафақат Курил ороллари, балки бутун Япония ороллари Россиянинг Узок Шарқ ерларига қўшилиб кетади.

## ЗАМБУРУҒГА ШАРОИТ ЙЎҚ

**Баъзи бир олимларнинг ёзишларича, глобал очарчилик хавфи мавжуд эмиш. Наҳотки шундай бўлса?**

**Хулкар Олимова,**  
Чилонзор тумани.



